

Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси қабул қилган қонун ва қарорлар

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: «Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 493-моддасига қўшимча қилиш тўғрисидаги 1974 йил 27 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИНГ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: «Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1974 йил 27 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча қилиш тўғрисидаги 1974 йил 27 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИНГ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: «Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига қўшимча қилиш тўғрисидаги 1974 йил 27 июнь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ХАЛҚ МАОРИФИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССРнинг Халқ маорифи тўғрисидаги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССРнинг Халқ маорифи тўғрисидаги Қонуни 1975 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССРнинг Халқ маорифи тўғрисидаги Қонунини амалга киритиш тартибини белгилаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР қонунларини мазкур Қонунга мувофиқлаштириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ НОТАРИАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССРнинг Давлат нотариати тўғрисидаги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССРнинг Давлат нотариати тўғрисидаги Қонуни 1975 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССРнинг Давлат нотариати тўғрисидаги Қонунини амалга киритиш тартибини белгилаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР қонунларини мазкур Қонунга мувофиқлаштириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССР МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ БЎЛИНИШИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: «Ўзбекистон ССР Маъмурий-территориал бўлинишига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги 1973 йил 29 декабрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУКУМАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ВА ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Азизхон Қайумовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1974 йил 4 январь Фармони;

Ўртоқ Абдуллаҳад Абдуллаевни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитетининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1974 йил 14 январь Фармони;

Ўртоқ Сервер Абдуллаевич Омеровни Ўзбекистон ССР Қурилиш министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1974 йил 25 январь Фармони;

Ўртоқ Сервер Абдуллаевич Омеровни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Колхозларда қурилиш ишлари олиб борувчи давлат-кооператив бирлашмаси («Узколхозстрой»)нинг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1974 йил 25 январь Фармони;

Ўртоқ Сунайт Иброҳимович Иброҳимовни Ўзбекистон ССР Қурилиш министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1974 йил 25 январь Фармони;

Ўртоқ Қудратилла Аҳмедовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комитетининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1974 йил 26 март Фармони;

Ўртоқ Санджир Зибдуллаевни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат план комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1974 йил 26 март Фармони;

Ўртоқ Эргаш Ашуровни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Колхозларда қурилиш ишлари олиб борувчи давлат-кооператив бирлашмаси («Узколхозстрой»)нинг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1974 йил 2 апрель Фармони;

Ўртоқ Иван Каленикович Бородавкони Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1974 йил 10 апрель Фармони;

Ўртоқ Ғоз Собировни Собировни Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1974 йил 10 апрель Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

ЎРТОҚ А. В. ДОБРОВАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Анатолий Васильевич Доброваровни Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш, Ўзбекистон ССР Олий Суди Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

С. УСМОНОВ ВА У. ШОРАХИМОВ ЎРТОҚЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Султон Усмонов ва Усмон Шорахимовни Ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

С. АРСЛОНОВ ВА Т. ҚОБЛОНОВ ЎРТОҚЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ АЪЗОСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади:

Султон Арслонов ва Турсунбой Қобловни Ўртоқлар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАТОВА.

1974 йил 7 август, Тошкент шаҳри.

БУГУН—БИНОКОРЛАР КУНИ



БИНОКОРЛАР БАЙРАМИ

Заводлар ва электр станциялари, шаҳарлар ва посёлкаларни барпо этаётган янги йўллар ва кўп қаватли бинолар қураётган мамлакатимизнинг энг яхши бинокорлари 9 августда Давлат марказий концерт залида тўпландилар. Бу ерда бинокорлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Н. А. Рожков очди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси йиғилишининг фахрий президиумига ақдлий билан сайланди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Москвадаги бинокорлар бригадаларининг бошлиқлари В. А. Заторницкий, Мурманскдан В. П. Сериков, Вильнюсдан СССР Олий Совети депутаты П. П. Шилейсис, Кама автомобиль заводида А. Б. Навроловский, «Бамстройпуть» бошқармасидан йўл монтери В. В. Мучинич ва бошқалар гапирдилар.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

«Ташкилстрой» трестининг В. Янулович раҳбарлигидаги бригада-син коллектив шаҳарнинг турли қисмида 25 та уй-жой биноси қуриб битаёди. Бу коллектив таъинли бинокор И. Злобин устулда ишлайди. Суратда бригадани аъзоларидан Б. Беляшов, В. Янулович, А. Дибов, И. Бекбасовлар. Пастдаги суратда пойтахтнинг Думбарабод даҳасида қуриётган энг йirik шифона — «Ириак хирургияси» медицина муассасаси биносининг қурилиши. Бу шифона республика юбилейи арафасида ишга тушади. И. Глауберзон фотолари.

БУНЁДКОРЛАР

Республикамиз бинокорлари ўзларининг анъанавий байрамларига катта меҳнат зафарлари билан келдилар. Улар КПСС XXIV съезди Директиваларида белгиланган улкан бунёдкорлик вазифаларини амалга ошириш йўлида жон қўйиб меҳнат қилишадилар. Шу жумладан, Ўзбекистон қишлоқ қурувчилари ҳам қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш комплекс плани асосида ишлаб улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Ҳозир қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги, маданий ҳаёт даражаси кун сайин орттиб бораётди. Улар замонавий ва ҳар томонлама қўлай уй-жойларда яшагиси, маданий дам олгиси, барқали меҳнат қилгиси келади. Шу мақсадда партия ва ҳукуматимиз қишлоқ қурувчиларни олдин қутурлар ўрнида замонавий посёлкалар барпо этишдек улкан вазифани қўймоқда. Бирлашмада қарашли қурилиш ташкилотларининг коллективлари тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йилу етти ойида 700 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. Бу, нўзда тутилганидан бир неча миллион сўм зиёддир.

Ҳозирги кунда қолхозларро қурилиш ташкилотлари коллективларининг асосий диққат-эътибори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси олтин юбилейи шарафига қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларнинг ошириб бажарилишига қаратилган. Барча коллективлар ўртасида мушобақа байроғи ҳар қанчалар баланд кўтарилган бўлиб, новаторлик, иқодий эланиш ва юксак активлик кўрсатиб ишлаш асосий шор қилиб қўйилган.

Бутуниттифот социалистик мусобақаси аяқунда бирлашмамига қарашли Меҳнат Қизил Байроқ ордени Андижон ва Фарғона «Облколхозстрой» трестлари коллективлари қўйилган.

тивлари шу йилнинг иккинчи кварталда СССР Қишлоқ қурилиш министрлиги ва қурилиш ҳамада бинокорлик материаллари саноати ҳодимлари касабаси союзи Марказий Комитетининг кўма Қизил байроғи билан мукофотланди. Наманган «Облколхозстрой» трести бинокорлари республика мусобақасида галиб қилиб «Узколхозстрой» ва қишлоқ ҳўжалиги ҳамада тайёрлаш органлари ҳодимлари касабаси союзи Республика комитетининг кўма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти билан тақдирланди.

Қолхозларро қурилиш ташкилотлари юбилей объектлари қурилиш суръатини кун сайин оширмоқдалар. Аяқикс мактабга қарбиа муассасалари ва мактаблар тазкорлик билан барпо этилмоқда. Шу кунга қадар ўн минг ўқувчи болалар бечалари ва 30 минг ўқувчиға кўжалланган мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари минг-минглаб қишлоқ меҳнаткашлари замонавий уй-жойларга қўйиб ўтдилар. Қолхозлар территориясида архитектура шижатидан гўзал маданий-маиший комплекслар бунёд этилди. Шунинг қувонч билан айтиш керакки, беш йилликнинг ўтган даври мобайнида бирлашмамига меҳнат унвондорлиги 23 процентга ўсди.

Қолхозлар қурилишида эндиликда янги хил қурилиш материаллари ва прогрессива конструкциялар кен жорий этилмоқда. Бундай қурилиш материалларидан фойдаланиш жорий этилганлиги — бинолар қурилиши таннарини, капи

тал маблаг ва меҳнат сарфларини бирмунча камайтириш имконини бермоқда. Ана шундай прогрессив конструкциялар аяқикс Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент областларидаги қолхозлар қурилишида кенг қўлланилаётди.

«Узколхозстрой» бирлашмаси коллектив Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методиди бўйича янги ҳўжалик ҳисоби формасини жорий этиш масаласига катта эътибор бермоқда. Ҳозир 66 бригада ана шу метод бўйича ишлайпти. Ҳолдор Ҳатамов ва Николай Смирнов ўртоқлар бошлиқ пешқадам комплекс бригадалар ана шулар жумласидандир.

Ҳисоб-китоблар шунинг қўрсатмоқдаки, бригада пудрат методиди факат қурилиш муддатларини қисқартириб қолмасдан, балки, унинг таннарини арзонлаштириш, меҳнат унвондорлигини 1,5-2 баравар ошириш имконини беради. Қолхозларро қурилиш бошқармалари коллективлари олдида бу метод асосида ишлашни келажакда янада кенгайтириш масаласи турибди.

Шунинг таъкидлаш керакки, катта муваффақиятларни қўлга киритиш билан бирга базис камчиликлари ҳам йўл қўйилапти. Ҳамма қолхозларро қурилиш трестлари ва бошқармаларида ҳам меҳнат яхши ташкил этилган деб бўлмайдди. Талай объектлар асосида равишда қўйиб юборилапти. Бунинг устига

қурувчиларни тегишли лойиҳа ва ишчи чиқмалари билан ўз вақтида таъминлашмаслик ҳоллари учрамоқда. Бирлашмамига коллектив олдида ана шундай камчиликларни тўғатиш, лойиҳачилар билан қурувчилар ўртасида самарали ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш, қишлоқлар қурилишини тағин ҳам авж олдириш, маблаглар ва бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш каби ақтуал проблемаларни ҳал этиш вазифаси қўйилмоқда. Қишлоқ қурилишларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлашга мутасадди этилган «Узгипросельстрой», «Узгипросельхоз» каби лойиҳалаш институтлари мутахассисларнинг масъулиятини янада ошириш лозим.

Республикамиздаги мажбур эски қутурлар ўрнида кўркам, замонавий посёлкалар барпо этилаётгани учун ерларда маданий-оқрув, мактабга қарбиа муассасалари, маданий-маиший бинолар кўпроқ бунёд этиш қишлоқ меҳнаткашларига қўрсатилаётган катта ғам-ҳўрликнинг ёркин ифодасидир. Бирлашмамига қарашли қурилиш ташкилотларининг меҳнатсевар коллективлари буни чуқур ҳис қилган ҳолда, эр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейига муносиб армуғон тайёрлаш учун бутун қуч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини ишга солаетирлар.

Э. АШУРОВ,

«Узколхозстрой» бирлашмаси раиси.



Сурхондарё области ҳафталиги

ИПАК ПАХТА ИСТИҚБОЛИ

Бундан бир неча йил муқаддам Сурхондарё областида пахтачилик тақриба станцияш ташкил этилганлиги. Унинг олдида пахтачилик бўйича илмий-тадиқот ишларини кенг қўламада олиб бориш, ингичка толали янги гўза навларини яратишдек муҳим вазифалар турарди.

Станциянинг селекция технологияси, агротехника ва агрохимия бўлимлари дастлабки қулардан оқ қизғини иш бошлаб юборди. Илгари ингичка толали гўза ўстиришда агротехника усуллари табиий иқлим шароити турлича бўлган Туркманистон ССР, Тожикистон ССР ва Тошкент областларидаги қўлалиларди. Станциянинг илмий ҳодимлари бу тақрибани Сурхон воҳаси шароитида ҳам қўлаб кўрдилар.

Станциянинг илмий ҳодимлари ингичка толали гўза агротехникасида онд қатор масалаларни ҳар томонлама ўрганиб чиқдилар. Уларнинг асарлари ҳозирги кунда ишлаб чиқаришга кенг жорий этилганлиги. Икки елкама ҳайдалган шугор қатламларининг ҳосилдорлигини кўтариш, ҳосилнинг етилш мuddатини қисқартириш, беда-чилик ва ем-хашак етиштиришда азотли ўғитлардан самарали

фойдаланиш, ипак пахта ҳосилини буюб қилмай ийиб олшида машина теримини сифатли ташкил этиш, тербиқиларнинг самарадорлигини таъминлаш сингари бир қатор тадиблар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Сурхондарё иқлими ипак пахта етиштириш учун жуда қўлай. Бундай шароитда олиб борилган тақрибалар ўзининг иқибий самарасини беришти. Т-2; Т-3; Т-7; Т-8; Т-9 сингари янги ипак гўза навлари серхосини. Аяқикс, Т-7 ипак гўзанинг ҳосилдорлиги бошқалариникига қисбатан аяча юкори. Бунинг тақриба тасдиқлади. Шу йил раёонлаштирилган бу янги навали пахта майдонини 8.000 гектарини ташкил этади. Т-7 нави толасининг сифатлиги билан бошқа навлардан аяқикс турлади. Шунингдек, Т-9 нави ипак пахта ўзининг эртапирилгани билан деҳқонларимизга қўл келади. Ҳозир у лаборатория синовларидан ўтлапти.

Бундан ташқари чуқур илмий музтавалар ва сармашақат меҳнат заминида яратилаётган ҳар бир йил гўза навлари ишлаб чиқаришга жорий қилинишдан олдин уларнинг агротехника ва агрохимик парва-

риши бўйича қўлланимлар тайёрланмоқда.

Муайян иқлим шароитида етиштирилган ипак пахта устидаги и

